O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI JIZZAX SHAHAR HOKIMI QARORI

2021 - yil 31 - dekabr 246-3-55-Q/21 Jizzax shahar hokimligi

Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасаларга ҳудуд аҳолисини бириктириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 6-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда), “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 9-моддаси (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019 й., 03/19/528/2741-сон) ижросини таъминлаш ҳамда Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2021 йил 29 декабрдаги 01-4/795-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддаларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2021 йил 29 декабрдаги 01-4/795-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин ва қаноатлантирилсин.

2. Шаҳар аҳолисини тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасаларга ҳудудлар кесимида бириктириш жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тиббиёт бирлашмаси (Ш.Зулфиқоров) бириктириш тартибига асосан тегишли амалий ишларни ташкил этсин.

4. Мазкур қарор “Жиззах овози” газетасида эълон қилинсин ва шаҳар ҳокимлигининг jizzaxcity.jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари С.Силлиев, ижроси таъминлаш шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ш.Зулфиқоров зиммасига юклатилсин.

Shahar xokimi **К.Холмуродов**

Жиззах шаҳар ҳокимининг
2021 йил 31 декабрдаги
246-3-55-Q/21-сон қарорига
1-илова

Шаҳар аҳолисини тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасаларга ҳудудлар кесимида бириктириш жадвали

Т/р	Ҳудудлар	Оилавий поликлиника	Аҳоли сони	Шундан, катталар	Шундан, болалар	Хонадон сони
1	Жиззахлик МФЙ	Шаҳар 1-ОПси	4766	3023	1743	689
2	Заргарлик МФЙ		11224	6890	4334	2163
3	Сайилжойи МФЙ		6154	3802	2352	1248
4	Турон МФЙ		3503	2189	1314	591
5	Амир Темур МФЙ		8530	5992	2538	1179
6	Боғишамол МФЙ		2473	1493	980	492
7	Қассоблик МФЙ	Шаҳар 2-ОПси	4365	2934	1431	620
8	Зилол МФЙ		9634	6393	3241	1820
9	Халкабод МФЙ		2602	1724	878	454
10	Олмазор МФЙ		8723	5678	3045	1187
11	Ўратепалик МФЙ		4976	3456	1520	917
12	Учариқ МФЙ		5660	3906	1754	896
13	Оққўрғонлик МФЙ		6070	4359	1711	915

14	А.Навоий МФЙ	Шаҳар 3-ОПси	4602	3387	1215	725
15	Навруз МФЙ		4281	2947	1334	636
16	Сангзор МФЙ		3718	2368	1350	681
17	Ҳ.Олимжон МФЙ		3980	2697	1283	698
18	Тошлоқ МФЙ		3910	2848	1062	816
19	Шодлик МФЙ		3560	2403	1157	662
20	Хайробод МФЙ		4373	3037	1336	804
21	Тинчлик МФЙ		3432	2337	1095	568
22	Иттифоқ МФЙ	Шаҳар 4-ОПси	10397	6386	4011	2991
23	Ёшлик МФЙ		4893	2860	2033	1082
24	Дўстлик МФЙ		4880	3166	1714	1263
25	Бунёдкор МФЙ		5410	3218	2192	1512
26	Қалия МФЙ		8831	6620	2211	1590
27	Нурлиобод МФЙ		1694	1070	624	355
28	Маданият МФЙ	Шаҳар 5-ОПси	5643	3954	1689	1123
29	Улуғбек МФЙ		3470	2295	1175	513
30	Бобур МФЙ		5607	3885	1722	1224
31	Обод МФЙ		8505	5768	2737	1792
32	Кимёгар МФЙ		6252	4218	2034	1233
33	Раваллиқ МФЙ		3298	2036	1262	324
34	Сайхон МФЙ		3956	2654	1302	680
Жами		**183 372**		**121 993**	**61 379**	**34 443**